

АЙРИМ ТОВАРЛАРГА НИСБАТАН БОЖХОНА ТЎЛОВЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ (ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИСОЛИДА)

Узоқов Алишер Абдураимович

катта ўқитувчи

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт

ва молия вазирлиги ҳузуридаги

Божхона қўмитасининг Божхона институти,

Тошкент ш. Ўзбекистон

Аннотация: Ушбу мақолада декларация тўлдирувчилар томонидан Ўзбекистон Республикасига олиб кирилатган айрим турдаги товарларни бошқа ТИФ ТН кодлари билан таснифлаш оқибатида божхона тўловларини нотўғри ундириш масалалари очиб берилган.

Таянч сўзлар: БЮД, ТИФ ТН коди, божхона тўловлари, импорт божси, ҚҚС, божхона тўловлари бўйича имтиёз.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига мувофиқ, товарлар ва (ёки) транспорт воситалари божхона чегараси орқали олиб ўтилатганда декларацияланиши лозимлиги белгиланган.

Товарларни декларациялаш қуйидаги усуллардан бирини қўллаган ҳолда амалга оширилади:

- оғзаки шаклда;
- йўловчи божхона декларациясидан фойдаланилган ҳолда;
- божхона юк декларацияси (БЮД)дан фойдаланилган ҳолда;
- товарнинг кузатув ҳужжатларидан фойдаланилган ҳолда.

Мазкур усулларнинг охириги учтасида декларациялаш божхона органларининг автоматлаштирилган ахборот тизимлари орқали электрон шаклда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кирилатган товарларнинг аксарият қисми БЮДдан фойдаланилган ҳолда декларацияланади.

Шу билан бирга божхона органлари томонидан ушбу товарларни Ўзбекистон Республикасида эркин муомалага чиқариш (импорт) учун тўловчи ёки унинг ўрнига ҳар қандай манфаатдор шахсдан божхона тўловлари ундирилади.

Товарлар бўйича божхона тўловларини ҳисоблашда фойдаланиладиган қуйида келтирилган омилларнинг тўғри аниқланиши жуда муҳимдир:

- товарнинг келиб чиқиш мамлакати;
- товарнинг ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси (ТИФ ТН) коди;
- товарнинг божхона қиймати;
- товарга доир божхона тўловлари бўйича имтиёзларнинг мавжудлиги;
- товарнинг вазни;
- товарнинг миқдори ва бошқалар.

Божхона тўловлари божхона божи, кўшилган қиймат солиғи (ҚҚС), акциз солиғи ва божхона йиғимларидан иборат бўлади. Товарнинг ТИФ ТН кодига қараб, унга нисбатан қонун ҳужжатлари бўйича тегишинча божхона тўловлари қўлланилади. Масалан, доимий турмушимизда истеъмол қилиб келадиган шакарни импорт қилишда юқорида келтирилган тўлов турларининг барчаси қўлланилса, картошкани импорт қилишда эса, фақат ҚҚС ва божхона йиғимлари ундирилади.

Декларацияловчи шахс томонидан товар диққат билан ўрганилади ва унга доир маълумотлар, шу жумладан ҳисобланган божхона тўловлари бўйича электрон БЮД шакллантирилади ҳамда расмийлаштириш учун автоматлаштирилган тизим орқали масофавий электрон декларациялаш (МЭД) божхона постига юборилади.

Аҳамиятлиси шуки, божхона тўловларини ҳисоблаш чоғида декларация тўлдирувчилар томонидан юқорида келтирилган омиллар нотўғри аниқланиши оқибатида айрим турдаги товарлар бўйича божхона тўловларини ҳисоблашда хатоликка йўл қўйилмоқда.



1-расм

Декларация тўлдирувчи томонидан электрон БЮДни тўлдиришда импорт қилинган транспорт воситаси (1-расм)нинг ТИФ ТН бўйича коди 8705903000 деб классификацияланмоқда. Ушбу ТИФ ТН бўйича код бўйича амалдаги импорт божининг [2] ставкаси 30% ва амалдаги ҚҚСнинг [3] ставкаси 12%ни ташкил этган бўлсада, ушбу кодга мансуб транспорт воситалари махсус транспорт воситалари ҳисобланиб, ушбу тўловлар бўйича имтиёз қўлланилиши белгиланган.

ТИФ ТНга шарҳларда 8705 товар позициясига берилган изоҳнинг 7-бандида қуйидагилар кўрсатиб ўтилган:



2-расм

Автокраны, не предназначенные для перевозки грузов, состоящие из автомобильного шасси, на котором постоянно смонтированы кабина и поворотный кран.

Однако грузовые автомобили с самопогрузочными устройствами не включаются в данную товарную позицию (товарная позиция 8704) (2-рasm).

Мазкур шарҳдан келиб чиққан ҳолда, автотранспорт воситасининг ТИФ ТН бўйича коди 8705903000 эмас, балки очик ҳолдаги юкхонасига юк ортиш учун мўлжалланган манипулятор билан жиҳозланган автотранспорт воситалари 8704 товар позициясида (8704229904 подсубпозициясида) классификацияланиши лозим эди. Натижада божхона божи 30% + 1,20 АҚШ доллари/куб.см ставкада ҳамда ҚҚС 12% ставкада ундирилиши орқали давлат бюджетига қўшимча маблағлар ундирилиши лозимлиги маълум бўлади.



3-рasm

“Эвакуатор” (автотранспорт воситаларига техник ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган махсус автотранспорт воситаси) номи билан ТИФ ТНнинг 8705908001 товар подсубпозициясида таснифланиб, БЮД эркин муомалага чиқариш режимига расмийлаштириш учун тақдим этилган (3-рasm).

ТИФ ТНнинг 8705 товар позициясида “Моторные транспортные средства специального назначения (например, автомобили грузовые аварийные, автокраны, пожарные транспортные средства, автобетономешалки, автомобили для уборки дорог, поливомоечные автомобили, автомастерские, автомобили с рентгеновскими установками) [4], кроме используемых для пассажиров или грузов” махсус ишлар қилиш учун мўлжалланган (автокранлар, ўт ўчириш, кўчаларни тозалаш, ватобетон кориштиргичлар, ерларни бурғулаш учун мўлжалланган, махсус автотранспорт воситалари ва ҳоказо) автотранспорт воситалари таснифланади. Ушбу ТИФ ТН кодига божхона тўловлари бўйича имтиёз мавжуд.



4-рasm

Ушбу “Эвакуатор” товари аввал ишлаб чиқарувчи корхона томонидан юк ташиш учун мўлжалланган транспорт воситаси сифатида ишлаб чиқарилганлиги ҳамда кейинчалик ушбу товар қайта жиҳозланиши натижасида махсус автотранспорт воситасига айлантирилганлиги боис мазкур товар ТИФ ТНнинг 870422 товар

субпозициясида таснифланиши лозим (4-расм). Натихада божхона божи 70% + 3,0 АҚШ доллари/куб.см ставкада ҳамда ҚҚС 12% ставкада ундирилиши орқали давлат бюджетига қўшимча маблағлар ундирилиши лозимлиги маълум бўлади.



5-расм

“Кулер для охлаждения и нагревания воды” (сувни совутиш ва иситиш учун мўлжалланган кулер) номи билан ТИФ ТНнинг 8516101100 ёки 8418690009 товар подсубпозицияларида таснифланиб, БЮД эркин муомалага чиқариш режимига расмийлаштириш учун тақдим этиб келинмоқда (5-расм).

ТИФ ТН коди 8516101100 учун импорт божи аралаш ставкада (20%, лекин ҳар донаси учун 5,0 АҚШ долларида кам эмас) белгиланган бўлса, ТИФ ТН коди 8418690009 учун импорт божи “0” ставкани ташкил этади.

ТИФ ТНнинг 8516 товар позициясида “Электрические водонагреватели проточные или накопительные (емкостные), электронагреватели погружные; электрооборудование обогрева пространства грунта, электротермические аппараты для ухода за волосами (например, сушилки для волос, бигуди, щипцы для горячей завивки) и сушилки для рук; электроутюги; прочие бытовые электронагревательные приборы; электрические нагревательные сопротивления, кроме указанных в товарной позиции 8545” электр токи ёрдамида сувни иситиш учун мўлжалланган товарлар таснифланади.

ТИФ ТНнинг 8418 товар позициясида “Холодильники, морозильники и прочее холодильное или морозильное оборудование электрическое или других типов; тепловые насосы, кроме установок для кондиционирования воздуха товарной позиции 8415” турли хилдаги совутиш учун мўлжалланган технологик ускуналар таснифланади.

Агар юқорида кўрсатиб ўтилган “кулер” товари ҳам совутиш ҳам иситиш қурилмаси билан жиҳозланган бўлса, у ҳолда мазкур товар ТИФ ТНнинг 8418690009 товар подсубпозициясида, агар ушбу товарда совутиш қурилмаси мавжуд бўлмаса у ҳолда мазкур товар ТИФ ТНнинг 8516101100 товар подсубпозициясида таснифланиши лозим.

Юқорида келтирилган ва шунга ўхшаш ҳолатлар бўйича божхона тўловларини тўғри ҳисоблаш мақсадида, декларация тўлдирувчилар томонидан расмийлаштирилаётган товарнинг ТИФ ТН коди ва бошқа омилларни тўғри аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Божхона Кодекси.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш ҳамда божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 29.06.2018 йилдаги ПҚ-3818-сон қарори.
3. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасининг 2022 йилги таҳририни жорий этиш тўғрисида” 28.12.2022 йилдаги ПҚ-460-сон қарори.